

Саттикулова Гавхарнисо Ахмадхановна
ТДШУ, катта ўқитувчи

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ МОДЕЛЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ: САБАБ-ОҚИБАТ БОҒЛИҚЛИГИ

Аннотация

Мақолада ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ёритилган, шунингдек ижтимоий сиёсат моделларининг хусусиятлари, шаклланишига таъсир этувчи омиллар ҳамда Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: ижтимоий соҳа, ижтимоий сиёсат моделлари, консерватив (континентал) модели, либерал (англосакон) модели, швед (социал-демократик ёки Скандинавия) модели

Аннотация

В статье раскрывается сущность социальной политики, анализируются модели социальной политики, факторы, влияющие на их формирование, а также особенности социальной политики в Узбекистане.

Ключевые слова: социальная сфера, модели социальной политики, консервативная (континентальная) модель, либеральная (англосаксонская) модель, шведская (социал-демократическая или скандинавская) модель.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартиба солиш тизимини такомиллаштириб бориш ҳар қандай мамлакат ҳукумати олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислоҳотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ.

Ёшларимизга муносаб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рӯёбга чиқаришимиз керак. Шу мақсадда, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришимиз, ўрта ва олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилашимиз керак. Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, биз учун ҳаётий муҳим масаладир”¹.

Постиндустриал жамиятда ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи омили инсон бўлганлиги сабабли айнан ушбу ресурсни устун даражада ривожлантириш зарурияти юзага келади. Бу эса ўз навбатида ижтимоий соҳани давлат томонидан тартиба солиш ва давлат ижтимоий функцияларининг кенгайишига

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

олиб келади. Давлат ўз фуқароларининг турмуш фаровонлигини яхшилаш учун масъулиятни ўз бўйнига олади, ижтимоий соҳанинг ривожланганлик даражаси эса жамият ривожланиши ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Ижтимоий сиёsat давлат сиёsatининг муҳим йўналиши сифатида жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва умуман аҳолига уларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ижтимоий ресурсларни шакллантириш учун шартшароитлар яратиш ва ушбу ресурсларни тақдим этиш бўйича иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий характердаги чора-тадбирлар мажмуини ўзида акс эттиради.

Давлат ижтимоий функциясининг амалга оширилиши кишиларнинг фаровонлигига, уларнинг моддий, ижтимоий ва интеллектуал эҳтиёжларининг қондирилишига, инсоний қадриятларга хурмат шаклланишига, жамиятда ижтимоий барқарорликнинг ўрнатилишига дахлдордир. Айни вақтда давлат ижтимоий функциясининг ижроси қуйидаги фаолият турларини кўзда тутади: даромадларни тартибга солиш, бандлик, ижтимоий таъминот сиёsatи, таълим ва соғлиқни сақлаш, уй-жой соҳаларидағи сиёsat ва бошқалар.

Давлат ижтимоий функциясининг амалга оширилишидан кўзда тутилган асосий мақсад – ҳар қандай жамиятнинг олий қадрияти сифатида инсонни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришdir. Ижтимоий сиёsat моделининг амалга ошиши мамлакатнинг сиёсий тузилиши, иқтисодий ривожланиши даражаси, мулк муносабатлари, бошқарув таркиби, маданияти, тарихий ўзига хослиги ва анъаналарига боғлиқ. Шу билан бирга индивид ва жамият фаровонлиги тушунчасига бўлган қарашлар бойлик, унинг тақсимланиши ва қайта тақсимланишига бўлган иқтисодий қарашлар ривожланиши билан ўзгариб боради. Шуни қайд этиш лозимки, индивиднинг фаровонлигини унинг ҳаёт сифатига, шунингдек, ўз шахсий салоҳиятини ошириш имкониятига бўлган субъектив баҳоси сифатида аниқлаш мумкин.

Ижтимоий соҳа моделлари ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ўртасида сабаб-оқибат боғланиши мавжуд бўлиб, иқтисодиётнинг узлуксиз ривожланиши ижтимоий фаровонликнинг ошишига олиб келса, ижтимоий соҳанинг барқарорлиги иқтисодий тараққиётнинг жадаллашишини таъминлайди.

Ижтимоий сиёsat моделлари таҳлилини умумлаштириш натижалари шундан далолат берадики, ижтимоий сиёsatининг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этганлар у ёки бу шаклда учта моделни аоҳида ажратиб кўрсатадилар: консерватив (континентал), либерал (англосакон) ва швед (социал-демократик ёки Скандинавия модели).

Барча амалга оширилган таснифлар асосида бозор ва давлат томонидан тартибга солишнинг биринчи даражали ролини бир-бирига қарама қарши қўйиши тамойили ётади. Шу билан бирга қабул қилинган конституциясига кўра ижтимоий-йўналтирилган иқтисодиёт ҳисобланган яна бир гурӯҳ мамлакатлар ажратиб кўрсатилган бўлиб, уларнинг ижтимоий сиёsatи “Жанубий Европа” моделига бирлаштирилган (1-расм).

Институт	Скандинавия модели	Либерал (Беверидж) модели	Континентал (Бисмарк) модели	Жанубий Европа модели	Ўзбекистон
Ижтимоий химоя учун масъулиятни ўз бўйнида олиб юрувчи ноформал институт устуворлиги	Давлат	Давлат ва шахсий масъулият	Корпоратив ва шахсий масъулият	Оила ва черков	Давлат
Ижтимоий сиёсатнинг асосий тамойили	Жамиятдаги барча фуқаролар бир-бирiga жавоб беради	Давлат томонидан бошқариладиган ижтимоий сиёсатнинг хусусий институтлари	Ўз-ўзини химоя қилиш, ўз-ўзини таъминлаш	Оилавий химоя	Давлат томонидан кучли ижтимоий сиёсат
ЯИМнинг бюджет орқали тақсимланиши	Баланд (60-70 %)	Ўртacha (30-40 фоиз)	Чекланган (30-40 фоиз)	Ҳар қандай бўлиши мумкин	Чекланган (16-20 фоиз)
Ижтимоий химоя билан камраб олингандиги	Барча аҳоли	Барча аҳоли	Асосан иш билан бандлар	Кўпроқ кам таъминланганлар	Барча аҳоли
Асосий молиялаштириш манбаси	Соликлар	Хусусий сұғурта компаниялари га бадаллар	мустакил давлат ташкилотларига сұғурта бадаллари	Сұғурта тўловлари ва бошқа манбалар	Соликлар
Ижтимоий соҳани бошқариш (асосий институт)	Давлат/касаба уюшмалари	Давлат	Ўз-ўзини бошқарувчи сұғурта ташкилотлари/каса ба уюшмалари	Давлат	Давлат

1-расм. Ижтимоий сиёсат моделлари²

Ижтимоий сиёсат модели шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

Биринчидан, аҳолининг ижтимоий химоясига асосий масъул бўлган институт. Бу аҳолининг асосий қисми томонидан қабул қилинган ва жамиятда тарихан шаклланган институт ҳисобланади. Швед моделида аҳолининг ижтимоий химояси учун қайта тақсимлаш механизми орқали асосан давлат масъул бўлиб ҳисобланса, континентал модельда – жамоа-шартнома муносабатлари воситасида бизнес, либерал модельда – давлат томонидан назорат қилинадиган хусусий сұғурталаш тизими, Жанубий Европа моделида – давлатнинг заиф иштирокида оилавий масъулият устун ҳисобланади.

Иккинчидан, жамиятдаги бирдамлик даражасини кўрсатувчи норасмий институт. У фуқаролар бир-бирлари учун қай даражада масъулиятни олишга тайёр эканлигини кўрсатади. Масалан, швед моделида барча фуқаролар бир-бирлари учун масъулиятни оладилар, континентал модельда ўз-ўзини химоя қилиш ва ўз-ўзини таъминлаш тамойили устун ўринга эга, либерал модельда

² Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган

давлат институтлари масъулиятни ўз бўйнига олсалар, Жанубий Европа моделида бир-бирлари учун масъулиятни оиласиб бирликлар асосида ўз бўйнига оладилар.

Учинчидан, давлатнинг ижтимоий сиёсатда иштирок этиш даражасини ифодаловчи институт. У даромадларни тақсимлашда бюджетнинг иштироки улуси орқали аниқланади. Ижтимоий сиёсатда давлатнинг роли салмоқли бўлган ва шундан келиб чиқсан ҳолда бюджет орқали даромадларнинг тақсимланиши энг юқори бўлган модель швед модели ҳисобланади. Энг паст улуш либерал модельда кузатилади. Жанубий Европа моделида эса даромадларнинг бюджет орқали тақсимланиши ўзгарувчан ва бир-биридан тафвутда ҳисобланади.

Тўртингчидан, ижтимоий соҳанинг аҳолини қамраб олиш даражаси. Масалан швед моделида адресли ижтимоий сиёсат харатерили ҳисобланса, континентал модельда ижтимоий сиёсат кўпроқ декларатив табиятга эга.

Бешинчидан, ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг устувор манбасини тавсифловчи институт. Масалан, швед моделида молиялаштиришнинг устувор манбаси солиқлар ҳисобланса, континентал модельда мустақил давлат ташкилотларига суғурта бадаллари, либерал модельда – хусусий суғурта компанияларига бадаллар, Жанубий Европа моделида – фуқароларнинг кўнгилли ташкил этилган фондларга хусусий бадаллари асосий молиялаштириш манбаси ҳисобланади.

Олтинчидан, амалда ижтимоий сиёсатни амалга ошириш билан шуғулланувчи асосий институтлар. Ижтимоий институтлар нуқтаи назаридан улар ташкилотлар ҳисобланади. Уларга ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотлар, касаба уюшмалари, хусусий суғурта компаниялари ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа ташкилотлари киради. Масалан, швед моделида бундай ташкилотлар касаба уюшмалари, либерал модельда – хусусий суғурта компаниялари, континентал модельда – ўз-ўзини бошқарувчи суғурта ташкилотлари, Жанубий Европа моделида – фуқароларнинг кўнгилли бирлашмалари ҳисобланади.

Юқоридаги ижтимоий сиёсат модельларига таққослаш асосида Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг қўйидаги ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳимояси учун қайта тақсимлаш механизми орқали асосан давлат масъул бўлиб ҳисобланади. Бироқ сўнгги йилларда давлат корхоналарга ўзлари ишлаган маблағларни мустақил сарфлаш ҳуқуқини тақдим этиш орқали хусусий секторни ижтимоий сиёсатга фаол жалб этишга ҳаракат қилмоқда. Ижтимоий тадбиркорликни ривожлантиришга йўл очиб берилмоқда.

2. Ижтимоий сиёсат асосан кам таъминланган аҳоли қатламини қамраб олган.

3. Бандлик сиёсати фаол характерга эга ва у қатор чора-тадбирлар ҳамда дастурлар орқали рағбатлантирилади.

4. Даромадларнинг табақаланиши нисбатан юқори.

5. Етарли бўлмаган, айни вақтда юқори интенсив меҳнат унумдорлиги.

6. Юқори компетенцияга эга бошқарув кадрларининг етишмаслиги ва уларни такрор ишлаб чиқариш муаммосининг кескинлиги.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4047-сон фармони. //”Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль

2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

3. Аганбегян А.Г. Человеческий капитал и его главная составляющая — сфера «экономики знаний» как основной источник социально-экономического роста //Экономические стратегии. – 2017. - №3. – С.66-79, 2017. – №4 – С.6-21.

4. Асланова С.Х., Топсахалова Ф.М.-Г., Лайпанов А.Ю. Социальная политика: сущность, современное состояние, проблемы и совершенствование отдельных сфер на уровне региона // Фундаментальные исследования. – 2016. – № 3-1. – С. 113-117.

5. Качество образования, эффективность НИОКР и экономический рост: количественный анализ и математическое моделирование / В.А.Садовничий, А.А.Акаев, А.В.Коротаев, С.Ю.Малков. - М.: URSS: ЛЕНАНД, 2016. - 347 с.

6. Пакулина И.С. Государственное регулирование развития социальной сферы: приоритеты и экономические механизмы: Монография. — Орел: Издательство Орловского филиала РАНХиГС, 2014. — 172 с.

7. Парамонов В.В. Модель социальной политики России: сравнительный анализ // Вестник РУДН, серия Государственное и муниципальное управление, 2016. – № 1. – С.20-30.